

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВА МУХАРРАМХОН КОДИРЖОНОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АДир МИНТАҚА ШАРОИТИДА ТРИТИКАЛЕ
ЕТИШТИРИШНИНГ АГРОТЕХНИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ (ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИСОЛИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Қосимова Мухаррамхон Кодиржоновна

Андижон вилояти адир минтақа шароитида тритикале етиштиришнинг
агротехник элементларини ишлаб чиқиш (оч тусли бўз тупроқлар
мисолида)..... 3

Қосимова Мухаррамхон Кодиржоновна

Разработка агротехнических элементов возделывания тритикале в условиях
предгорных зон Андижанской области (на примере светло-серозёмных
почв)..... 21

Kosimova Muharramhon Kodirjonovna

Development of agrotechnical elements for triticale cultivation in the foothill
zone of the Andijan region (under light gray sierozem soil
conditions)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВА МУХАРРАМХОН КОДИРЖОНОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АДир МИНТАҚА ШАРОИТИДА ТРИТИКАЛЕ
ЕТИШТИРИШНИНГ АГРОТЕХНИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ (ОЧ ТУСЛИ БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИСОЛИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.PhD/Qx1544 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаев Исмоилжон Ибраҳимжонович,
қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Эгамов Илхомжон Урайимжонович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Бозоров Холмурод Махмудович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим.

Етакчи ташкилот:

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил « 9 » 01 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида таниниши мумкин (№ 39 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05.

Диссертация автореферати 2025 йил « 22 » 12 куни тарқатилди.
2025 йил « 22 » 12 даги 2 рақамли реестр баённомаси).




Р.И.Сиддиқов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.


М.Я.Джўраев,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., доцент.


С.О.Абдурахмонов,
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда тритикале “дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида йилига 3,5-4,0 млн. гектар майдонга экилиб, умумий ҳисобда 13-15 млн. тонна ялпи дон ҳосили етиштириб келинмоқда”¹. Тритикале дунё аҳолини сифатли сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда “15 та давлат етакчи ҳисобланиб, кучли бешталикка Полша (1,2-1,3 млн га), Германия (0,6-0,7 млн га), Франция (0,30-0,35 млн га), Беларуссия (0,35-0,40 млн га), Испания (0,30-0,32 млн га) давлатларини киритиш мумкин бўлиб, ушбу давлатлар дунёда етиштирилаётган умумий ялпи ҳосилнинг 75-78 фоизини етиштиради². Чорвачиликни озуқа базасини мустаҳкамлаш ҳамда аҳолини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини бир меъёрда таъминлашда маҳаллий шароитда яратилган ҳамда чет давлатлардан интрадукция қилинган навларни шартли суғорилиб деҳқончилик қилинадиган минтақаларда етиштиришда агротехник тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунёда тритикале етиштиришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган давлатларда тритикаленинг янги авлод навларини яратиш ва уруғчилигини йўлга қўйиш, минтақалар бўйича экиш муддатларига боғлиқ ҳолда мақбул экиш меъёрларини ҳамда озиклантириш ва суғориш тартибларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларга катта аҳамият қаратилиши ортидан “дон ҳосилдорлигини гектарига 140 центнергача кўтаришга эришганлар”³. Чорвани сифатли ва тўйимли озуқа билан, аҳолини эса сут-гўшт маҳсулотлари билан йил давомида бир меъёрда қондириб боришда озуқабоп ноанъанавий экинларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Сўнги йилларда Республикамиз аҳолисини сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини бир меъёрда қондириб боришда Хукуматимиз томонидан туб ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида тритикаленинг суғориладиган майдонлардаги улуши 12,7 минг гектардан 18,4 минг гектарга, яъни қарийб 45 фоизга, оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармонида “ички бозорни сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига қондириш ва импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажминини икки баробарга камайтириш” бўйича вазифалар белгиланган бўлиб, бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сонли “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва 2019 йил 17 июндаги ПФ-

¹ <https://apps.fas.usda.gov/>

² <https://www.fao.org/faostat>

³ <https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru>

5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тритикале экинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш бўйича Республикамиз олимларидан Р.И.Сиддиқов, Б.М.Халиков, Г.Сатилов, И.Эгамов, С.О.Абдурахмонов, Н.Ғ.Ёдгоров, Х.Адилов, К.Т.Исаков, Ж.У.Умаров, И.И.Абдуллаев, М.К.Пирова, хорижий олимлардан Т.Горянина, Н.Перфильев, В.Макарова, К.Бирюков, И.Ляшков, Т.Вершинина, К.Бирюков ва бошқалар томонидан турли минтақалар ва иқлим шароитларида илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, Андижон вилоятининг механик таркиби енгил бўлган адир минтақасининг шартли суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароитида кузги тритикаледан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли экиш муддатларида мақбул уруғ сарф меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот режасининг 2020 йил 20 январдаги №6-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган “Андижон вилояти шароитида ноанъанавий озуқабоп экинларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2021-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: Андижон вилоятининг механик таркиби енгил бўлган оч тусли бўз тупроқли адир минтақа шароитида кузги тритикаленинг хорижий “Тит” навидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале уруғларнинг дала унувчанлиги ҳамда кўчат қалинлигига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига ва поя баландлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале навининг барг сатҳини шаклланишига, биологик қуруқ массаси тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале навининг ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, дон сифат кўрсаткичларига ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Адир минтақасининг механик таркиби энгил бўлган оч тусли бўз тупроқ, кузги тритикаленинг хорижий “Тит” нави, уруғ экиш муддатлари, уруғ экиш меъёрлари.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, Андижон вилоятининг механик таркиби энгил бўлган адир минтақа тупроқлари шароитида кузги тритикале уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларини уруғларнинг дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ўсиши ва ривожланишига, тулланиш даражасига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик куруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланишига, дон ҳамда сомон ҳосилдорлигига, доннинг технологик сифат кўрсаткичларига, етиштириш давомида қўлланилган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсирини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқот ишларини ўтказишда дала ва лаборатория тажрибалари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎзПИТИ 2007), «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (СоюзНИХИ, 1977), «Методика исследованый с зернобобовыми культурами» (1971), олинган маълумотларнинг математик-статистик таҳлили эса Б.А.Доспехов «Методика полевого опыта» (М. 1985) услубий қўлланмалари бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятининг механик таркиби энгил бўлган оч тусли бўз адир минтақа тупроқлари шароитида кузги тритикаленинг хорижий “Тит” нави уруғларини турли муддат ва меъёрларда экишнинг самарадорлиги аниқланган;

кузги тритикалени гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиш, уруғларнинг дала унувчанлигини юқори бўлишига олиб келиб, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экишга нисбатан 0,5-0,8 фоизга, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экишга нисбатан 0,3-0,6 фоизга, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экишга нисбатан 0,1-0,2 фоизга юқори бўлиши исботланган;

кузги тритикале ўсимлигида бошоқлаш-гуллаш даврида ФАРдан фойдаланиш коэффиценти юқори бўлиши кузатилиб, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экилганида 20-25 сентябр муддатида (7,14 г/м²/кун), 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экилганида 1-5 октябр муддатида (8,93 г/м²/кун), 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экилганида 10-15 октябр муддатида (10,49 г/м²/кун), 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобига экилганида 20-25 октябр муддатида (11,85 г/м²/кун) юқори бўлиши асосланган;

кузги тритикаленинг кимёвий таркибига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири сезиларли бўлиши кузатилиб, оқсил миқдори юқори бўлган дон ҳосили етиштириш учун уруғларни 1-5 октябр муддатида, клейковина миқдори юқори бўлган дон ҳосили етиштириш учун эса уруғларни 10-15 октябр муддатида экиш юқори самара бериши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги тритикале уруғлари 10-15 октябр муддатида экиб етиштирилганида амал даври охирида кўчат қалинлиги уруғ экиш меъёрларига боғлиқ ҳолда (3,0-

4,0-5,0-6,0 млн дона/га) 231,1-303,3-374,1-443,6 дона/м² ни ташкил этиб, бошқа муддатларда гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 3,5-20,4 дона/м² гача, 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 4,8-27,9 дона/м² гача, 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 6,5-34,0 дона/м² гача, 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 6,8-40,8 дона/м² гача, униб чиққан кўчатларнинг яшовчанлиги эса 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,1-3,8 фоизгача, 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,9-4,1 фоизгача, 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,0-4,2 фоизгача, 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,1-4,2 дона/м² гача юқори натижа кўрсатгани аниқланган;

кузги тритикале уруғларини 20-25 сентябр муддатида экиб етиштириш барча уруғ экиш меъёрларида поя баландлиги, барг сатҳининг шаклланиши ҳамда қуруқ масса тўплаш кўрсаткичларига ижрий таъсир этиб, бошқа уруғ экиш муддатларида гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан поя баландлиги пишиш фазасида 2,6-13,3 см гача, барг сатҳи гуллаш фазасида 1665,4-7593,9 м²/га гача, қуруқ масса тўпланиши 4,6-24,3 ц/га гача, 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан поя баландлиги пишиш фазасида 1,9-12,9 см гача, барг сатҳи гуллаш фазасида 1870,0-10222,4 м²/га гача, қуруқ масса тўпланиши 5,4-31,1 ц/га гача, 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан поя баландлиги пишиш фазасида 2,1-11,7 см гача, барг сатҳи гуллаш фазасида 2399,8-13303,2 м²/га гача, қуруқ масса тўпланиши 6,3-36,8 ц/га гача, 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан поя баландлиги пишиш фазасида 2,9-12,2 см гача, барг сатҳи гуллаш фазасида 1949,6-14050,2 м²/га гача, қуруқ масса тўпланиши 6,7-42,0 ц/га гача юқори бўлгани қайд этилди;

кузги тритикале уруғларини 20-25 сентябр муддатида гектарига 3,0-4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиб етиштириш умумий поялар сонига ижобий таъсир этиши кузатилиб, 1-5 октябр муддатида экиб етиштиришга нисбатан 22,7 дона/м² дан 23,6 дона/м² гача, 10-15 октябр муддатида экиб етиштиришга нисбатан 18,6 дона/м² дан 29,8 дона/м² гача, 20-25 октябр муддатида экиб етиштиришга нисбатан 71,8 дона/м² дан 80,5 дона/м² гача, 1-5 ноябр муддатида экиб етиштиришга нисбатан 138,7 дона/м² дан 149,4 дона/м² гача юқори бўлишига олиб келиши аниқланган бўлсада, маҳсулдор поялар сони бўйича юқори натижалар гектарига 3,0-4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича уруғлар 20-25 сентябр муддатида, 5,0-6,0 млн дона унувсан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича эса 10-15 октябр муддатида экилган вариантларда кузатилдиб, бошқа муддатларда унувчан уруғ ҳисобида гектарига 3,0 млн дона экилган вариантларга нисбатан 5,8 дона/м² дан 80,9 дона/м² гача, 4,0 млн дона экилган вариантларга нисбатан 1,9 дона/м² дан 79,3 дона/м² гача, 5,0 млн дона экилган вариантларга нисбатан 2,8 дона/м² дан 72,6 дона/м² гача, 6,0 млн дона экилган вариантларга нисбатан 6,4 дона/м² дан 64,4 дона/м² гача юқори натижа кўрсатгани кузатилган;

кузги тритикаленинг дон ҳосилдорлиги ўрганилганида, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори ҳосил 20-25 сентябр муддатида экилганда аниқланиб, бошқа муддатларга нисбатан 1,1 ц/га дан 13,7 ц/га гача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори ҳосил 1-5 октябр муддатида экилганда аниқланиб, бошқа муддатларга нисбатан 0,7 ц/га дан 13,2 ц/га гача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори ҳосил 10-15 октябр муддатида экилганда аниқланиб, бошқа муддатларга нисбатан 0,6 ц/га дан 7,7 ц/га гача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори ҳосил 20-25 октябр муддатида экилганда аниқланиб, бошқа муддатларга нисбатан 0,3 ц/га дан 6,9 ц/га гача юқори ҳосил олингани қайд этилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишонччилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятининг механик таркиби энгил бўлган адир минтақа тупроқлари шароитида кузги тритикале уруғларини турли муддат ва меъёрларда экишнинг уруғларни дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, барг сатҳининг шаклланиши, қуруқ модда тўпланиши ва фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига, ҳосил структураси, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кузги тритикаленинг хорижий “Тит” навидан юқори дон ҳосили ва иқтисодий рентабелликка эришишда 1-5 ва 10-15 октябр муддатларида экилганида гектарига 4,0 млн дона, 20-25 октябр муддатида экилганида эса гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиш дон ҳосилдорлигини 61,8 ц/га дан 65,2 ц/га гача, рентабеллик даражасини 56,2% дан 62,0% гача ортиши бўйича ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятининг механик таркиби энгил бўлган адир минтақа тупроқлари шароитида кузги тритикаленинг “Тит” навидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатлари ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Андижон вилояти адир минтақа шароитида тритикале етиштириш технологияси” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 21.10.2025 йилдаги №05/03-03-452-сон

маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида кузги тритикале навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Кузги тритикаленинг “Тит” нави Асака тумани “Мехнатобод кут-барака” фермер хўжалигида 18,0 гектар, “Бўзариқ агро замин” фермер хўжалигида 25,3 гектар, Марҳамат тумани “Эгамберди бобо чорваси” фермер хўжалигида 10,0 гектар, жами 53,3 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 21.10.2025 йилдаги №05/03-03-452-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни 1-5 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона, 20-25 октябр муддатларида экилганида эса гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида юқори самарадорликка эришилган;

Кузги тритикаленинг “Тит” навини 1-5 октябр муддатида экилганида гектарига 4,0 млн дона, 20-25-октябр муддатида экилганида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экиб етиштириш технологияси Асака ва Марҳамат туманларида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 21.10.2025 йилдаги №05/03-03-452-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали рентабеллик даражаси 1-5 октябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 56,3 фоизга, 20-25-октябр муддатида гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 49,7 фоизга ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган маҳсус апробация комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказилиб, “яхши” ва “қониқарли” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш нашр этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та жумладан, маҳаллий нашрларда 3 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши,

апробацияси, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тритикаленинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, экиш муддатлари ва меъёрларини дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида, тритикале экиннинг келиб чиқиши, халқ хўжалигидаги аҳамияти, озуқавийлик қиймати, ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи биотик ва абиотик омилларнинг таъсири, биологияси ва морфологияси, уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини ўсиши ва ривожланишига ва дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий натижалари таҳлил қилиниб, диссертация ишининг илмий мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг географик жойлашув ўрни, тупроқ ва иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган минтақанинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ хусусиятлари, ҳудуднинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш усули ва услублари, тажриба олиб борилган майдонда қўлланилган агротехник тадбирлар ва тажрибада ўрганилган навнинг таснифи тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Илмий тадқиқот ишлари 2021-2024 йиллари Андижон вилояти, Андижон тумани, И.Бакиров массивида фаолият юритиб келаётган “Ҳожиев наслчилиги” фермер хўжалигининг адир минтақасида жойлашган механик таркиби энгил бўлган оч тусли бўз тупроқлари шароитида олиб борилиб, тажрибада кузги тритикаленинг хорижий “Тит” навини ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири уч йил давомида ўрганилди.

Тажриба 20 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Тажриба даласида эгат кенлиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир бўлакчалар майдони 240 м², ҳисобга олинандиган майдон 120 м². Тажрибаларнинг умумий майдони 1,5 га. Тажриба 3 йил давомида 1:1 (дон-пичан : ғалла) қисқа ротацияли алмашлаб экиш тизимида олиб борилди. Тажрибада кузги тритикаленинг Давлат рессстрига киритилган “Тит” нави экилди.


Тажрибада кузги тритикаленинг “Тит” навлари уруғларини беш хил экиш (20-25-сентябр, 1-5-октябр, 10-15-октябр, 20-25-октябр, 1-5-ноябр) муддатларида тўрт хил (3,0 млн/га, 4,0 млн/га, 5,0 млн/га, 6,0 млн/га) экиш меъёрларида экиб ўрганилди.

Тажриба майдонларини танлаш ва вариантларни жойлаштиришда “Дала тажрибаларини ўтказиш услубиятлари” (2007) услубий қўлланмасидан, кузги тритикале ўсимлигида фенологик кузатув ва ҳисоблаш ишларини олиб боришда «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (М, Колос, 1964) услубий қўлланмасидан, олинган натижаларга математик-статистик ишлов беришда Б.А.Доспеховнинг «Методика поливого

опыта» (М, 1985) услубномасидан фойдаланилди.

Диссертациянинг “Кузги тритикаленинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига уруғ экиш муддатлари ҳамда уруғ сарф меъёрларининг таъсири” деб номланган учинчи бобида уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикале кўчатларнинг униб чиқиш динамикасига, ўсув даврининг давомийлигига, ўсиб ривожланишига, барг сатҳининг шаклланишига, қурук масса тўплаш жадаллигига, фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичларига, умумий ва маҳсулдор поялар сонига, ҳосил элементларининг шаклланишига, дон ва сомон ҳосилдорлигига, етиштирилган доннинг технологик сифат кўрсаткичларига таъсири таҳлил қилинган.

Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кўчат қалинлигига таъсири ўрганилганида, уруғларнинг дала унувчанлиги ва кўчатларнинг униб чиқиши бўйича юқори натижалар уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, бошқа муддатларда экилган вариантларга нисбатан гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 3,9-17,7 дона м²/га гача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 4,8-23,6 дона/м² гача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 6,0-28,0 дона/м² гача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 7,2-33,6 дона/м² гача юқори бўлганлиги қайд этилган.



1-расм. Тритикале навларининг кўчат қалинлигига уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

Амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги ўрганилганида юқори натижалар уруғлар 10-15 октябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, бошқа муддатларда экилган вариантларга нисбатан гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 3,5-20,4 дона м² гача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 4,8-27,9 дона/м² гача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 6,5-34,0 дона/м² гача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 6,8-40,8 дона/м² гача, униб чиққан кўчатларнинг яшовчанлиги эса мос равишда гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 21-3,8 фоизгача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 1,9-4,1 фоизгача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ

ҳисобида экилганида 2,0-4,2 фоизгача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида 2,1-4,2 фоизгача юқори бўлганлиги аниқланган.

Уруғ экиш меъёрларини кузги тритикаленинг ўсув даври давомийлигига таъсири кузатилганида, ўруғ экиш меъёрларининг ортиб бориши ўсув даврининг давомийлигига ҳам таъсир этиши кузатилиб, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ экилган вариантларга нисбатан гектарига 4,0-5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларда уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилганида 2 кундан 9 кунгача, 1-5 октябр муддатида экилганида 3 кундан 10 кунгача, 10-15 октябр муддатида экилганида 2 кундан 7 кунгача, 20-25 октябр муддатида экилганида 1 кундан 4 кунгача, 1-5 ноябр муддатида экилганида 2 кундан 7 кунгача фарқ қилгани кузатилган.

Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини кузги тритикаленинг ривожланиш фазалари кесимида поя баландлигига таъсири ўрганилганида, юқори натижалар уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантларда қайд этилиб, бошқа муддатларда экилган вариантларга нисбатан гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида майсалаш фазасида 0,7-4,3 см гача, тупланиш фазасида 0,7-6,3 см гача, найчалаш фазасида 1,7-10,0 см гача, бошоқлаш фазасида 2,3-12,6 см гача, гуллаш фазасида 2,2-13,2 см гача, пишиш фазасида 2,6-13,3 см гача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида майсалаш фазасида 0,9-4,4 см гача, тупланиш фазасида 0,8-6,8 см гача, найчалаш фазасида 1,2-11,3 см гача, бошоқлаш фазасида 3,1-14,6 см гача, гуллаш фазасида 2,9-13,0 см гача, пишиш фазасида 1,9-12,9 см гача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида майсалаш фазасида 0,8-4,5 см гача, тупланиш фазасида 0,7-7,7 см гача, найчалаш фазасида 1,3-11,5 см гача, бошоқлаш фазасида 2,5-13,0 см гача, гуллаш фазасида 2,5-12,3 см гача, пишиш фазасида 2,1-11,7 см гача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида майсалаш фазасида 0,5-4,2 см гача, тупланиш фазасида 0,6-7,6 см гача, найчалаш фазасида 1,4-12,5 см гача, бошоқлаш фазасида 3,9-14,8 см гача, гуллаш фазасида 2,6-11,8 см гача, пишиш фазасида 2,9-12,2 см гача юқори бўлганлиги маълум бўлган.

Кузги тритикаледа барг сатҳининг шаклланиши ва биологик қуруқ масса тўплаш жадаллиги вариантлар кесимида ўрганилганида, юқоридаги қонуниятларга мос равишда юқори натижалар уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, бошқа муддатларга нисбатан гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида барг сатҳи (гуллаш фазасида) 1665,4-7593,9 м²/га, қуруқ масса тўплаши (пишиш фазаси) 4,56-24,31 ц/га, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида барг сатҳи 1870,0-10222,4 м²/га, қуруқ масса тўплаши 5,44-31,10 ц/га, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида барг сатҳи 2399,8-13303,2 м²/га, қуруқ масса тўплаши 6,33-36,81 ц/га, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилганида барг сатҳи 1949,6-14050,2 м²/га, қуруқ масса тўплаши 6,72-41,96 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.

**Кузги тритикаленинг биометрик кўрсаткичларига уруғ экиш
муддатлари ва меъёрларининг таъсири**

№	Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри, млн дона/га	Амал даври охирида поя баландлиги, см.	Барг сатҳи (гуллаш фазаси), м ² /га	Қуруқ масса тўплаши (пишиш фазаси), ц/га	ФСМ (фазалар бўйича ўртача), г/м ² /кун
1	20-25 сентябр	3,0	98,7	39501,2	110,04	5,34
2		4,0	103,1	49277,3	128,11	6,48
3		5,0	107,0	57689,0	143,59	7,29
4		6,0	111,3	65770,0	156,96	6,90
5	1-5 октябр	3,0	96,1	37835,8	105,48	5,18
6		4,0	101,2	47407,3	122,67	6,67
7		5,0	104,9	55289,2	137,26	7,61
8		6,0	108,4	63820,4	150,24	7,67
9	10-15 октябр	3,0	93,2	37816,2	103,91	4,96
10		4,0	97,8	47287,3	120,45	6,20
11		5,0	102,2	54875,7	134,48	7,84
12		6,0	105,8	63278,6	146,71	8,24
13	20-25 октябр	3,0	88,7	34737,0	95,30	4,62
14		4,0	94,9	43126,3	109,33	5,78
15		5,0	98,6	49016,1	120,46	6,79
16		6,0	103,0	57699,0	130,32	8,86
17	1-5 ноябр	3,0	85,4	31907,3	85,73	4,16
18		4,0	90,2	39054,9	97,01	5,20
19		5,0	95,3	44385,8	106,78	6,11
20		6,0	99,1	51719,8	115,00	8,60

Кузги тритикаленинг фотосинтез соф маҳсулдорлик кўрсаткичлари уруғ экиш меъёрлари кесимида ўрганиб чиқилганида, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, бошқа муддатда экилган вариантларга нисбатан 0,16-1,18 г/м²/кунгача юқори натижа кўрсатган бўлса, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 1-5 октябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, бошқа муддатларда экилган вариантларга нисбатан 0,19-1,47 г/м²/кунгача юқори натижа кўрсатгани маълум бўлган. Гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 10-15 октябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, бошқа муддатларда экилган вариантларга нисбатан 0,23-1,73 г/м²/кунгача юқори натижа олинган бўлса, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 20-25 октябр муддатида экилган вариантда кузатилиб, бошқа муддатларда экилган вариантларга нисбатан 0,26-1,96 г/м²/кунгача юқори натижа кўрсатгани қайд этилган.

Кузги тритикале уруғларини экиш муддатлари ва меъёрларини умумий ва маҳсулдор поялар сонига ҳамда маҳсулдор поянинг умумий пояга бўлган нисбати вариантлар кесимида ўрганиб чиқилганида ўзига хос бўлган

маълумотлар олингани қайд этилди.

Жумладан, умумий поялар сони бўйича юқори натижалар уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, бошқа муддатларга нисбатан гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 23,3-138,7 дона/м² гача, 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 22,7-148,8 дона/м² гача, 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 23,6-149,4 дона/м² гача, 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 22,9-143,2 дона/м² гача юқори бўлганлиги аниқланган.

Маҳсулдор поялар сони вариантлар кесимида ўрганилганида, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантда аниқланиб, бошқа муддатларда гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 5,8-80,9 дона/м² гача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича ҳам юқори натижа уруғлар 20-25 сентябр муддатида экилган вариантда аниқланиб, бошқа муддатларда гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 1,9-79,3 дона/м² гача юқори бўлгани кузатилган бўлса, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижа уруғлар 10-15 октябр муддатида экилган вариантда аниқланиб, бошқа муддатларда гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 78,1-82,7 дона/м² гача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича ҳам юқори натижа уруғлар 10-15 октябр муддатида экилган вариантда аниқланиб, бошқа муддатларда гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 73,4-81,3 дона/м² гача юқори натижа кўрсатгани қайд этилган.

Умумий пояларга нисбатан маҳсулдор пояларнинг нисбати вариантлар кесимида таҳлил қилиб чиқилганида, барча экиш меъёрлари бўйича уруғлар 1-5 ноябрь муддатида экилган вариантларда кузатилиб, бошқа муддатларга нисбатан гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,1-5,9 фоизгача, 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,3-6,4 фоизгача, 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,5-7,1 фоизгача, 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 2,6-7,9 фоизгача юқори бўлгани маълум бўлган.

Келтирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, уруғлар кеч 1-5 ноябр муддатида экилиши тупланиш маҳсулдорлигига салбий таъсир этган бўлсада, аммо умумий пояга нисбатан маҳсулдор пояларнинг нисбатига ижобий таъсир этиши аниқланган.

Уруғ экиш муддатари ва меъёрларини кузги тритикаледа ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири уруғ экиш меъёрлари кесимида ўрганилганида, бир бошоқ узунлиги бўйича юқори натижалар уруғлар 1-5 ноябр муддатида экилган вариантларда кузатилиб, бошқа муддатларда гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,2-0,7 см гача, 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга

нисбатан 0,3-1,0 см гача, 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,2-1,0 см гача, 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантларга нисбатан 0,2-1,1 см гача юқори натижа кўрсатгани аниқланган.


Битта бошоқда донлар сони бўйича вариантлар кесимида таҳлиллар олиб борилганида, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижалар уруғлар 20-25 сентябрь муддатида экилган вариантда кузатилиб, гектарига 3,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган бошқа муддатларга нисбатан 0,3-2,8 донагача, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижалар уруғлар 1-5 октябрь муддатида экилган вариантда кузатилиб, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган бошқа муддатларга нисбатан 0,6-3,2 донагача, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижалар уруғлар 10-15 октябрь муддатида экилган вариантда кузатилиб, гектарига 5,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган бошқа муддатларга нисбатан 0,3-1,4 донагача, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган вариантлар бўйича юқори натижалар уруғлар 1-5 ноябрь муддатида экилган вариантда кузатилиб, гектарига 6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган бошқа муддатларга нисбатан 0,1-2,3 донагача юқори бўлгани қайд этилган.

